
ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ФОШ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ мамлакат иқтисодиётининг негизини турли шаклдаги мулк ташкил этади. Мулк мутлоқ дахлсиз ҳисобланади ва давлат томонидан қўриқланади, унга нисбатан ҳар қандай тажовуз қонунга зид деб топилади. Ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиш ёки ўғрилик иқтисодиёт соҳасидаги энг кенг тарқалган жиноятлардан биридир. Талон-торож қилишнинг барча шакллари ичида ўғрилик жинояти содир этилиш усули жиҳатидан энг хавфи қамроғи деб топилиши мумкин: унда жисмоний ёки руҳий таъсир этиш қўлланилмайди; айбдор уни содир этишда ўзидаги ваколатлардан ва мол-мулкни эгаллашда алдашдан фойдаланмайди. Айбдор ҳуқуққа хилоф ва яширин равишда, яъни бошқа шахслардан яширин ҳолда мулкдорнинг хоҳиш-иродасига қарши ўзганинг мулкни ўзлаштиради ва уни ўзининг мулки сифатида тасарруф эта бошлайди. Бироқ ўғрилик, статистика кўрсатишича, ўзганинг мулкни талон-торож қилишнинг энг кенг тарқалган усулидир ва бу унинг ижтимоий хавфлилигини оширади. Ўғрилик жиноятининг объекти ўзганинг мулкидир.

Ҳозирги кунда ўғирлик жинояти- жамият учун хавfli иллат, шунинг учун ўғирлик ҳодисаси таркибий тузилмасида тажовуз моҳиятини тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Ўғирлик ҳодисаси таркибий тузилмасида тажовуз моҳиятини тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Жиноят ҳуқуқи назариясидаги умумий қоидага биноан объектга нисбатан жинойий тажовуз қилаётган жиноятчи бевосита таъсир этадиган моддий ашёлар жиноят предмети ҳисобланаши тўғрисида алоҳида эътибор қаратишлик зарурлигини билдирди. Ўғирлик ҳодисаси таркибий тузилмасида тажовуз моҳиятини тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Жиноят ҳуқуқи назариясидаги умумий қоидага биноан объектга нисбатан жинойий тажовуз қилаётган жиноятчи бевосита таъсир этадиган моддий ашёлар жиноят предмети ҳисобланади. Тергов ва суд материаллари таҳлили ҳуқуқни қўллаш жараёнида ўғирликнинг бевосита объекти ва предмети фарқлашда баъзи бир қийинчиликлар юзага келаётганини кўрсатмоқда. Уларнинг ҳуқуқий моҳияти фуқаролик қонунчилигимизда ҳозиргача аниқ белгиланмаган. Ўғирлик предмети бўлган мулкнинг турли хусусиятларини ўрганиш ўғирланган мулкнинг иқтисодий қийматини, бошқа ўзига хос хусусиятларини, пировардида, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ҳақиқий даражасини аниқлаш имконини беради.

Жиноят ишлари бўйича Бувайда туман судининг архивариуси С.Абдубаннонов

2022-09-26 10:01:41